

Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини ривожлантириш йўналишлари.

Кириш

1-боб. Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг асослари.....	
1.1. Фермер хўжаликларининг моддий-техник таъминоти категориясининг мазмун ва моҳияти.....	
1.2. Қишлоқ хўжалигининг техник таъминоти техника воситаларига сервис хизмати кўрсатишни яхшилашнинг зарурлиги омиллари.....	
2-боб. Фермер хўжаликлари фаолияти ва моддий-техника базаси ривожланиш ҳолатининг таҳлили.....	
2.1. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари моддий-техника базасининг ривожланиш динамикаси.....	
2.2. Моддий-техника таъминот даражасининг таҳлили.....	
3-боб. Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини ривожлантиришда техника лизинги тизимидан фойдаланишнинг аҳамияти.....	
3.1. Фермер хўжаликлари фаолиятида лизинг муносабатларини жорий этишда мавжуд муаммолар.....	
3.2. Лизинг асосида моддий-техника таъминоти тизимини ривожлантиришнинг молиявий дастаклари.....	35
Хулосалар	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Республикаимиз иқтисодий ривожини таъмин этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдек муҳим вазифани амалга ошириш, аҳоли сони ва талаб, эҳтиёжлари даражаси, шунингдек чекланган ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ортиб бориши, иқтисодий самарадорликни ошириш борасида туб ўзгаришлар қилишни заруратга айлантирди ва иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислохотлар натижасида кўп укладли аграр иқтисодиёт қарор топиши ва ривож учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки йилларида турли хўжалик юритиш шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарини тенг асосда ривожлантириш тадбирлари амалга оширилган бўлса, ҳозирга келиб устиворлик йўналиши бир қадар ўзгарди. Хусусан, мустақил тадбиркор сифатида фермер хўжаликлари мураккаб ривожланиш босқичини босиб ўтиб ўз мавқеини тобора тикламоқда.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлиқ катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол тасдиқлади».

Фермер хўжаликлари бозор шароитида ишлашга кўпроқ мослиги, бошқарув, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги қулайлиги ва юқори моддий манфаатдорлик билан ишлаб чиқариш якунлари боғлиқлиги, мамлакатда фермер хўжаликларини ривожлантириш устуворлигини таъмин этмоқда.

Республикаимизда 2009 йил якунлари бўйича жами 80 000 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлиб, уларга жами 5787,8 минг гектар ер майдонлари узок муддатли (30 йилдан 50 йилгача муддатга) ижара асосида ажратиб берилган. Бу республикадаги мавжуд жами қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг 21,4 фоизига яқинини ташкил этади.

Бир фермер хўжалигига ўртача 62 гектар ер майдони тўғри келиб, бу 2003 йилдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан (24,5 га) 220 фоиз ортиқни ташкил этади.

Ҳозирга келиб фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий турдаги (пахта ва ғалла) маҳсулотлар етиштирувчи етакчи хўжалик юритиш шаклига айланишиб, 2007 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги улуши 34,7 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, жами пахта хом ашёсининг 98,4 фоизи ва ғалланинг 84,6 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилганлиги фермер хўжаликларининг асосий ихтисослашув йўналишини ўзида акс эттиради.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш борасидаги фермер хўжаликлари салмоғи пасайиб бориши кузатилиб мутлоқ миқдори ҳам катта миқдорни ташкил этмайди. Хусусан, республикада жами етиштириладиган гўштнинг 1994-1996 йилларида 1,9 фоизи фермерлар зиммасига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 5 фоизини ташкил қилиб бир оз бўлсада юксалиш кузатилади.

Фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш соҳасида турли йўналишлардаги сервис корхоналари сони ортиб бормоқда. Жумладан, 2008 йил якунлари бўйича республика бўйича 1534 та ММТПлар, 882 та минерал ўғит шаҳобчалари, 1117 та нефт маҳсулотлари шаҳобчалари, 1301 та СФУлар, 337 та зотли мол сотиш ва зооветеринария шаҳобчалари, 975 та минибанклар хизмат кўрсатди.

Аммо, шу билан бйрга фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги асосий муоммалардан бири, сервис хизматлари кўрсатиш тизимининг талабларга жавоб бермаслиги, хизматлар турлари, сифати ва баҳоларининг номутаносиблигида намаён бўлмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъмин этиш соҳасининг эркин бозорда ишлашга мослашиши секин кечаётганлиги ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсиш суръатлари пасайишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, республика Президенти масаланинг муҳимлиги таъкидлаб, «Фермерларга

хизмат кўрсатиш уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур» лигини муҳим вазифа сифатида илгари сурмоқда.⁷

Фермер хўжаликлари моддий-техника таъминоти даражаси ва уларга хизмат кўрсатиш соҳаси ишлари таҳлиллари кўрсатишича, кўп ҳолларда фермерларга кўрсатилаётган хизматлар ва моддий-техника таъминоти тизими фаолияти қониқарли аҳволда эмас. Мавжуд таъминот ва хизмат кўрсатиш тизими билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бозор талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Фермер хўжаликлари моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатиш тизими такомиллашиши лозимлиги, танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради. Бу борада илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш масаласи бевосита тармоқда бозор муносабатларини қарор топтириш билан боғлиқ бўлиб, республикамізда асосан 1990 йиллардан бошлаб бу борада илмий изланишлар амалга оширила бошланди. Айни пайтда фермерчилик хорижий давлатларда кенг ривож топган бўлиб, бу масалага МДХ давлатлари олимларидан В.Ф.Башмачников, Ю.Д.Корнилов, Г.Т.Тарасов, О.Л.Лепендин, Л.З.Залевский каби аграр иқтисодчи олимлар илмий ишлари бағишланган.

Республикаміз шароитида фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича Усмонов С.Н., Хусанов Р.Х., Қаюмов Ф.Қ., Жўраев А.М., Чориев Қ.А., Цамутали А.С., А.М. Қодиров, Фармонов Т.Х., Хушматов Н.С., ва бошқа катор агроиқтисодчи олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ислохотлар тез суръатларда амалга оширилаётганлиги, ислохотларнинг ҳар бир боскичида ўзига ҳос муаммолар пайдо бўлаётганлиги ва шунингдек, иқтисодиётни эркинлаштириш даврида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги муаммоларни ўз ичига камраб олмаган.

Айниқса, фермер хўжаликларига сервис хизматлари кўрсатиш ва фермер хўжаликларининг моддий-техника ресурслари билан таъминоти тизимини яхшилаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Бу эса муаммонинг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига сабаб бўлди.

1.1. Фермер хўжаликларининг моддий-техник таъминоти категориясининг мазмун ва моҳияти.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тобора бозор тамоиллари асосида ривожланиб бораётганлиги, ишлаб чиқариш таркибида давлат мулки салмоғи кескин камайиб, нодавлат мулкчилиги асосида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари жами ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг деярли 99 фоизини етиштириши маҳсулот ишлаб чиқариш тайёрлаш, сотиш тизимида ҳам давлат идоралари таъсири камайиб бориши, кўп укладли аграр иқтисодиёт ривожланиб боришига замин туғдирди.

Кўп укладли аграр иқтисодиёт тизимида, хусусий мулк ва эркин тадбиркорлик тамойиллари асосида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари ўрни ва аҳамияти юксалмоқда. Аммо, шу билан биргаликда фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлган моддий-техника ресурслар билан таъмин этиш борасида кўплаб ишларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Чунки зарурий ишлаб чиқариш қуроллари, меҳнат предметлари, айланма воситалар етарли бўлганда ва уларнинг сифати талабларга жавоб берган тақдирдагина фермерда бозорга рақобатбардош маҳсулотлар таклиф этиш имконияти пайдо бўлади.

Фермер хўжаликларида моддий-техника таъминот тушунчаси бу энг аввало ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, ускуналар, транспорт воситалари, маҳсулдор ва иш ҳайвонлари, кўп йиллик дарахтлар, уруғликлар, ем-ҳашак, нефт маҳсулотлари, ўғитлар, захарли химикатлар ва бошқа воситалар билан таъмин этишни ўз ичига олади. Ушбу воситалар фермер хўжаликлар моддий-техника базасининг асосини ва энг муҳим қисмини ташкил этади. Бундан ташқари моддий-техника базаси

таркибига кишлоқ хўжалигида алмаштириб бўлмас асосий меҳнат курули ва меҳнат предмети сифатида намоён булувчи ер ресурслари ҳам киради.

Фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси, бу фермерлар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг ва ишлаб чиқариш кучларининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш кучлари ўз таркибига меҳнат ресурсларини ҳам киритади. Чунки меҳнат ресурслари нафақат фермер хўжаликлари моддий-техника базасини яратувчилари, балки улардан самарали фойдаланишда ҳам асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ҳам айнан моддий-техник ресурслар сифатидаги ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш орқали кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишни кўзда тутди. Бошқача қилиб айтганда деҳқонларда мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш орқали, уларга меҳнатга ижодий ёндашиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик қирраларини шакллантириш ва ўз меҳнати натижаларига тўлиқ эғалик қилиш орқали кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши туб ўзгаришлар содир этишини кўзда тутди.

Фермер хўжаликлари моддий-техника базаси фермер хўжалигини ресурс таъминоти асосини ташкил этиб, унинг самарадорлиги малакали меҳнат ресурслари билан таъмин этилган шароитдагина содир бўлади. Айни пайтда фермер хўжаликлари моддий-техника базаси ўз таркибига меҳнат ресурсларини киритмайди.

Шундай қилиб фермер хўжаликларида моддий-техника таъминоти деганда фермер хўжаликлари асосий мақсадини амалга ошириш, яъни кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва маҳсулотни охирги истеъмолчига етказиб бериш орқали, хўжалик аъзолари моддий фаровонлигини таъмин этиш ва хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлик даражасини ошириб боришга имкон яратувчи воситалар билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланишни кўзда тутиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, фермер хўжаликлари моддий-техник ресурслари таркибига ер-сув ресурслари, ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар, қишлоқ хўжалиги машиналари, ускуналар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ишчи ва маҳсулдор моллари, кўп йиллик мевали дарахтлар, уруғлик, ем-хашак, ёқилғи мойлаш материаллари, захарли кимёвий моддалар, хўжалик инвентарлари ва бошқа воситаларни киритиш мумкин.

Моддий техника воситаларидан самарали фойдаланиш масаласи, моддий-техника воситалари билан таъмин этиш муаммоси ҳал этилгандан сўнг пайдо бўлади ва фермер ишлаб чиқаришни мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги жонли меҳнат сарфини камайтириш ва натижада меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим ўрн тутди. Шунингдек, масаланинг иккинчи ва жуда муҳим томони ҳам борки уни бозор шароитида унутмаслик лозим бўлади. Яъни, моддий-техник ресурслардан фойдаланиш иқтисодий самардорлигини ошириш масаласига моддий-техник ресурсларга эга бўлишда аввалроқ киришиш мақсадга мувофиқ. Чунки фермер хўжалиги мақсади ва фаолият йўналиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва шу каби хусусиятларни ҳисобга олмасдан сотиб олинган ресурслар, фермерга ишлаб чиқариш жараёнида максимал даражада иқтисодий қайтим бериши кафолатланмаган.

Фермер хўжаликларини моддий-техника воситалари билан таъминлаш тизимини, сервис тизимининг бир қисми сифатида қараш мумкин, чунки фермерлар ишлаб чиқариши бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш тизими орқали, турли хизматлардан эркин танлов асосида фойдаланиш учун шароитлар мавжудлиги билан боғлиқдир.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга ислохотларни амалга оширила бошланган дастлабки даврлардан бошлаб алоҳида аҳамият берилди. Хусусан, республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Қишлоқда бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш жараёнида бирламчи қишлоқ хўжалик бўғини қандай бўлиши кераклиги аниқ маълум бўлди. Бу фермер хўжаликларин бирлаштирадиган ва уларга хизмат

қиладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган ва моддий техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати кўрсатиш масалаларида ёрдам берадиган кооператив бўлиши лозим.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиш лозим. Улар самарали ишлашлари учун эса кенг томирлаётган, яхши хизмат кўрсатувчи инфраструктура, агрофирмалар, машина трактор парклари, таъмирлаш устaxonалари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ва шу кабилар мавжуд бўлиши кераклиги энг муҳим қоида...» бўлиши лозимлиги, фермерга хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти масаласи аграр сиёсат даражасида эканлигидан далолат беради.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича ривожланган хизмат кўрсатувчи тармоқларга эга бўлмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариб таклиф этиш имконияти фермер хўжаликларида кескин чегараланиб қолади.

Ишлаб чиқаришни илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириб бориш ўз навбатида кўплаб хом-ашёлар, ёрдамчи материалларга, энергия манбаларига транспорт воситалари, алоқа воситалари, омборхоналар, техник таъмирлаш хизматлари, моддий-техника таъминоти, инженер хизматлари, ҳар хил махсус маслаҳатларга (агрономия, иқтисодий, зооветеринария, ҳуқуқий ва бошқалар) талаблар ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида асосий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи кўплаб тармоқлар мажмуининг ривожланиши тақозо этади. Ушбу хизмат кўрсатувчи тармоқлар тизимини ишлаб чиқариш инфратузилмаси деб юритилади.

Инфраструктура тармоқлари бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиб ва сифатли тайёр маҳсулотлар олишида муҳим аҳамият касб этади ва фермер хўжаликларининг бир маромда, барқарор фаолият кўрсатишни таъмин этади.

Фермер хўжаликларини моддий-техника воситалари билан таъмин этиш ва хизматлар кўрсатиш тизимларини ривожлантириш ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини камайтириб бозордаги рақоботбардошлик хусусиятларини таъмин этади ва шунингдек самарасиз сарф харажатлар тежалади.

Фермер хўжаликларида моддий-техника таъминот масаласи, ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, ишлаб чиқариш фондларини доимий равишда тўлдириб боришни кўзда тутди. Бу жараён саноат тармоқлари билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларда ўз аксини топади.

Инфраструктура тармоқлари бевосита моддий-неъматлар ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиб, сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади ва фермер хўжаликларининг бир маромда, барқарор фаолият кўрсатишни таъмин этади.

Фермер хўжаликларини моддий-техника воситалари билан таъмин этиш ва хизматлар кўрсатиш тизимларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш унинг таннархини камайтириб бозордаги рақобатбардошлик хусусиятларини таъмин этади ва шунингдек самарасиз сарф харажатларни камайтиради.

Фермер хўжаликларида моддий-техника таъминоти масаласи, ишлаб чиқариш фондларини доимий равишда тўлдириб боришни кўзда тутди. Бу жараён саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларда ўз аксини топади.

Фермер хўжаликларида моддий-техника таъминоти жараёни, муомила доирасида юз бериб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини маҳсулотлар ва хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф орқали саноат маҳсулотлари билан таъмин этиш сифатида юз беради. Доимий ва барқарор равишда моддий - техника воситалари билан таъмин этишни йўлга қўйиш масаласи кўп жиҳатдан давлат томонидан фермерларни қўллаб қувватлаш дастурининг амалга оширилишига ҳам боғлиқ бўлади.

1.2. Қишлоқ хўжалигининг техник таъминоти техника воситаларига сервис хизмати кўрсатишни яхшилашнинг зарурлиги омиллари

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари сифати, уларнинг тўлиқ эҳтиёт қисмлар ва бутловчи воситалар билан жиҳозланиши, ишлаб чиқаришни сифатли техник ва технологик хизматларни таъмин этишга юқори талаблар қўяди. Мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш эса ўз вақтида ва сифатли даражада амалга ошириладиган агросервис тизимининг фаолият кўрсатишига бевосита боғлиқ бўлади. Чунки фермерлар ишлаб чиқариши самарадорлиги нафақат уларни моддий-техника воситалари билан самарали фойдаланиш билан ҳам белгиланади.

Республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ўлчамлари кичиклиги боисидан қишлоқ хўжалиги техникаларига эга бўлиш кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Бундай шароитда сервис хизматлари аҳамияти янада ортади. Фермер хўжаликларига техника хизматлари кўрсатиш, уларни ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа воситалар билан таъмин этиш борасида Республика Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорлар ва Республика Президенти Фармонлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24 март 1995 йилдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган «Давлат акциядорлик жамиятлари» Машина Трактор Парклари (ДАЖ МТП) фермер хўжаликларга техника хизматлари кўрсатишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки МТПлар асосан юқори унумли ва қиммат баҳо қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида сотиб олиб ишлатмоқда ва техникалар алоҳида фермер хўжаликлари томонидан сотиб олинishi қийин. Шунингдек, бундай техникаларни ишлатиш учун фермер энг камида 250-300 гектар майдонга эга бўлиши лозим. Аммо, таҳлиллар кўрсатишича ДАЖ МТП лар аксарият ҳолларда ўз монопол вазиятидан фойдаланган ҳолда хизмат нархларини ошириши, кўрсатилган хизматлар сифати пастлиги натижасида фермерлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан мукобил

МТП ларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 декабрдаги 516-сон, 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорлари асосида сурункали зарар билан фаолият юритувчи ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш бошланган. Тугатилган ширкат хўжаликлари техника парки негизида мукобил машина трактор парклари ташкил этилиб, улар янгидан ташкил этилган фермерларга хизмат кўрсатиш бозорида рақобат муҳитни шаклланишига туртки берди.

Фермер хўжаликлари бугунги кунда самарали фаолият юритувчи хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишида катта манфаатдор бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси ривожланиши билан саноат корхоналари ривожланиши ўртасидаги тафоввутлар ва шунингдек фермер хўжаликлари турли соҳаларда хизмат кўрсатувчи тизим шаклланиши ва ривожланиши жараёнидаги тафоввутлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш барқарорлигини таъмин этишга тўсиқ бўлмоқда. Фермер хўжаликлари хизматлар кўрсатиш тизими, қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб берувчи саноат корхоналари ривожланиши суръатлари, ушбу тармоқларда бозор муносабатлари жорий этилиши натижалари фермер хўжаликлари фойдасига ҳал бўлмаётир. Фермер хўжаликлари техника таъминоти ва агросервис хизматларини кўрсатувчи тизимларни барпо этишни объектив зарурлиги бизнинг фикримизча қуйидаги вазиятлар орқали изоҳланади:

Биринчидан, собиқ иттифоқ даврида узоқ йиллар давомида шаклланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши моддий-техника таъминоти тизимининг марказлашган режали иқтисодиётга бўйсундирилган механизмнинг издан чиқиши, собиқ Иттифоқ доирасидаги республикалараро ихтисослашув ва хўжалик алоқаларининг бўзилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини шунингдек фермер хўжаликлари моддий-техника жиҳатидан таъмин этиш тизимини мураккаблаштирди.

Иккинчидан, ресурслар баҳолари эркинлашуви ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни монопол вазияти, бир томондан моддий-техника воситалари тақчиллигини келтириб чиқарган бўлса, иккинчи томондан улар нархи кескин ошишига олиб келди. Моддий-техника таъминоти борасида юқоридаги вазиятлар фермер хўжаликлари учун салбий ҳолатларга олиб келиб, уларнинг ўз техника паркларини янгилаш ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш имкониятини чегаралаб қўйди. Бундай шароитда моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатишни самарали ва талабга жавоб берадиган шакллари қидириб топиш зарурати кун тартибидаги масалалар каторига чиқди.

Учинчидан, Республика иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларини босқичма-босқич шакллантира бориш жараёнида аграр тармоқда кўп укладли иқтисодиётни барпо этишга ҳуқуқий ва иқтисодий замин яратилиб, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари асосланган субъектлар фаолият кўрсата бошлади. Мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари каби сон жиўатдан жуда кўп хўжалиklar пайдо бўлиб, ушбу ишлаб чиқарувчи мустақил субъектларни моддий-техник таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш борасида муаммолар юзаришга келишига сабаб бўлди. Чунки ушбу қишлоқ хўжалиги корхоналари аксарият ҳолларда янги, меҳнат унумдорлиги юқори, замонавий ва шу билан биргаликда қимматбаҳо техника ва техника воситаларини сотиб олиш учун молиявий маблағларга эга эмас. Бошқа бир томондан эса кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришга эга бўлган фермерлар учун бундай техникаларни сотиб олиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Ушбу вазият фермер хўжаликлари моддий-техника таъминоти ва уларга сервис хизматлари ташкил этиш борасидаги муаммолар ечимини қидиришни тақозо этади.

Туртинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун белгиланган баҳо (пахта ва ғаллани ҳисобга олмаганда) асосан бозордаги талаб ва таклиф асосида шаклланаётганлиги боис фермер етиштирган маҳсулотини сотиш эвазига минимал миқдорда фойда олиши ёки маҳсулот таннархини қоплаш

даражасидаги баҳода ҳам сотиши мумкин. Саноат маҳсулотлари учун баҳолар эса ишлаб чиқариш харажатларига маълум миқдордаги фойдалилик меъёрини қўшиш орқали белгиланиб, деҳқонларга сотилади. Демак, саноат корхонаси даромади кафолатланган. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур қўплаб саноат маҳсулотлари нархлари (ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари, химикатлар ва бошқалар) дунё баҳолари даражасида сотила бошланди. Тармоқлараро юз бераётган бундай баҳо ўсиши суръати номутаносиблиги янги уклад сифатида фаолиятини бошлаётган фермер хўжаликлари учун моддий-техника базасини яратишда катта моливий кийинчиликлар туғдирмоқда.

Бешинчидан, дастлабки даврларда фермер хўжаликлари асосан жамоа ва ширкат хўжаликлари моддий-техника базасига таянган ҳолда фаолият юритишди. Яъни, шартномалар асосида собиқ жамоа ёки ширкат хўжаликлари ўз ҳудудида ташкил этилган фермер хўжаликларига ҳар хил пуллик техник хизматлар кўрсатиб келган. Аммо, бугунга келиб бундай имконият мавжуд эмас.

Юқоридаги вазиятлар бугунги кунда фермер хўжаликларида моддий-техника таъминоти ва уларга сервис хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириб бориш, самарали фаолият юритадиган инфратузилма объектларини шакллантириш йўллари ва усулларини қидириб топиш заруратини ошириб бормоқда.

Фермер хўжаликларида моддий-техника ва хизматлар кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш бизнингча қуйидаги тартибда амалга ошириш лозим:

- фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимини нафақат давлат томонидан ташкил этилган бўлинмалар орқали амалга ошириш, балким ушбу соҳада соғлом рақобат муҳитида фаолият кўрсатувчи кичик хусусий сервис корхоналари, техник хизмат марказлари, моддий техника таъминоти кооперативлари фаолияти учун ташкилий ҳуқуқий шароитлар яратиш;

- фермер хўжаликлари моддий-техника таъминоти ва уларга сервис хизмат кўрсатиш соҳасига чет эл инвестициялари ва ички инвестицияларни жалб этишга рағбатлантирувчи дастакларнинг давлат томонидан амалга киритилиши. Бунда, давлат асосан қонун, ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар асосида кенг ҳуқуқий асослар яратган ҳолда, имтиёзли кредитлар билан таъмин этиш ёки мақсадли моливий инвестициялар киритиш масалаларини ҳал қилиши керак бўлади;

- фермер хўжаликларида моддий-техника таъминот борасида ва сервис хизматлари кўрсатиш мақсадида тузиладиган нодавлат корхоналарга молия кредит ва солиқларнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функцияларини устувор тарзда жорий этиш;

- фермер хўжаликлари учун техник хизматлар кўрсатиш ва техник воситалар билан таъмин этишнинг давлат ва нодавлат шаклларида фаолият кўрсатишини таъмин этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликлари уюшмасининг жойлардаги бўлимлари томонидан фермерлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш, уларни қайта ишлаш ва охирги истеъмолчига етказиб бериш, республикадан ташқарига чиқариш ва бошқа хизматларни йўлга қўйилишини амалга ошириш ва бошқалар.

Тадқиқотлар кўрсатишича бугунги кунда фермер хўжаликларида хизматлар кўрсатиш мақсадида ташкил этилган машина трактор парклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва нархлари тўғрисида фермерлар томонидан ҳақли эътирозлар пайдо бўлмоқда. Бу борада МТПлар ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш талаб этилади.

Бозор муносабатларини шакллана бориши ва умуман бозор хўжалиги фермерга танлов имконияти яратилишини тақозо этади. Яъни фермер ўзи учун қулай, арзон ва кўп самара берадиган хизмат кўрсатиш корхонасини танлаш имкониятига эга бўлсагина, хизматлар нархлари ва сифати муаммолари барҳам топиши мумкин.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ва уларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашдаги муаммоларни ҳал этиш йўли сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- сервис хизматлари ташкил этиш ва моддий-техника ресурслари таъминоти борасида фермер хўжаликлари маблағлари ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида кооперация жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

- сервис хизматлари нархларини арзонлаштириш ва сервис хизмати кўрсатувчи тузилмалар сонини кўпайтириш ва улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш, ҳамда фермерга сервис хизмат турларидан фойдаланишда танлаш имкониятига эга бўлишига имкон яратди;

- ер майдонлари нисбатан йирикроқ бўлган (60 га дан юқори) фермер хўжаликларига ўзлари қишлоқ хўжалиги техникасига эга бўлиши учун шароит яратиб бериши керак. Айниқса лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналарини сотиб олишда ва ишлатилган техникаларни сотишни ташкил қилиш масалалри бугунги кунда долзарблик касб этмоқда;

- ёқилғи-мойлаш материалари билан таъминлашда фонд бўлишини бекор қилиш ва фермерлар ўз техникаларини ёқилғи қўйиш шахобчаларидан

тўғридан-тўғри пул тўлаб ёқилғи олиш тизимини яратиш керак. Ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотидаги узилиш агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказмаслик ва агротехник тадбирлар сифатининг паст бўлишига, пировард натижада эса экинлар ҳосилдорлиги пасайиши ҳамда ҳосил кеч етилишига олиб келмоқда;

- фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва захарли химикатлар билан таъминлаш тизимида нодавлат мулкчилигидаги ва хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи тузилмаларни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш лозим;

- таҳлиллар кўрсатишича бугунги кунда фермер хўжаликларини минерал ўғит билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмаган, шартномада кўрсатилишига қарамасдан минерал ўғитларни ўз вақтида етказиб бериш, айниқса фосфорли,

калийли ўғитлар таъминоти ёмон ташкил қилинган;

- фермер хўжаликларида моддий-техника таъминоти масаласини ҳал этишда фермер хўжаликлари ўлчамларини оптималлаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади, чунки 50-60 гектардан кам майдонга эга фермерлар учун қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш ва улардан фойдаланишда иқтисодий номуносибликлар юзага келади. Бу масалани ҳал этиш учун фермер хўжаликлари ер майдонларини энг камида 50 гектар атрофда шаклланиши учун иқтисодий дастаклар жорий этиш лозим бўлади.

Ушбу муаммоларнинг тегишли ечимлари топилиши фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш имкониятлари кенгайишига замин яратади.

2-боб. Фермер хўжаликлари фаолияти ва моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолати

2.1. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари моддий-техника базасининг ривожланиш динамикаси

Республикада кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бозор таомилларини тобора кенгроқ жорий этиш, кишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий эркинликлари даражасини кенгайтириб бориш ва аграр иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр тармоқда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида бозорга мослашиши, деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги таъмин этилиши ва мулкка эгаллиги нуктаи-назаридан нисбатан кенгроқ имкониятларга эгаллиги боисдан фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди бошланди. Бунда фермерларга хизмат кўрсатиш, моддий-техника ресурслар етказиб берувчи тармоқларни ривожлантириш масаласи ўз ечимини топа башлади.

Жумладан, Республика Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсияси туғрисидаги» ги ПФ -3342-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори бўйича республикада фаолият юритаётган паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликларида 1020 таси тугатилиб улар ўрнида фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлайди. Ушбу жараён бугунги кунда давом этмоқда. Яъни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисидаги» ги қарори асосида 2005 йилда 445 та ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиши кўзда тутилган. 2005 йилда 445 та ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиши кўзда тутилган эди.

Тарқатиладиган ширкатлар кишлоқ хўжалиги техникалари, янгидан ташкил этилган фермерларга хизмат кўрсатувчи мини машина трактор паркига жамланиши эса фермер хўжаликларининг техника хизматида бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш энг аввало аграр тармоқда мавжуд бўлган, меҳнат ресурслари, моддий-техника ва интеллектуал салоҳиятдан, йилдан-йилга танқислиги сезилиб бораётган ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш эвазига, республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини сифатли ва нисбатан арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан қондириш ҳисобланади. Бу ўз навбатида бозорлар тўқинчилиги орқали, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси юксалиши орқали, ижтимоий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш фермер хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур ускуналар, жиҳозлар ва бошқа айланма ва асосий воситалар билан таъмин этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликлари моддий-техника базасини моҳияти жиҳатидан-ишлаб чиқариш кучларининг муҳим элементлари йиғиндисини ташкил этади ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжаликлари моддий-техника базаси таркибига ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, жиҳоз ва ускуналар, транспорт воситалари, чорва моллари, кўп йиллик дарахтлар, уруғлик, ем-ҳашак, ёқилғи мойлаш материаллари, ўғитлар, заҳарли химикатлар, ер ресурслари ҳам киритилади. Иш кучи ресурс сифатида нафақат моддий техника воситаларини яратади, балки ушбу ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланишда асосий омил сифатида майдонга чиқади.

Фермер хўжаликлари моддий техника базаси таркибида ер ресурслари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқа воситалардан:

-бинолар, қурилмалар, машина ва техника воситаларидан, чорва моллари, минерал ўғитлар, ем ҳашаклар, уруғликлардан фойдаланиш самарадорлигини белгилайди. Амалга оширилаётган ташкилий-иқтисодий ва ҳукуқий тадбирлар натижасида республика бўйича фермер хўжаликлари

умумий сони ва уларга узоқ муддатли ижара асосида ажратиб берилаётган ер майдонлари миқдори ҳам ортиб бормокда.

Республика бўйича 1998-2004 йиллар давомида кескин ортиб 1998 йилдаги 23,1 мингдан, 2006 йилда 103,9 мингдан ортиқни ташкил этиб, деярли 4,5 маротабага кўпайди. Уларга ажратилган ер майдонлари эса 1998 йилдаги 446,5 минг гектарга 2004 йилга келиб 1591,7 минг гектарга ёки 3,56 маротабага ортиган бўлса, 2006 йилга келиб, ўсиш 4 мартадан, 2008 йилда эса 11 мартадан ортиқни ташкил этмокда (2.1 -жадвал).

Таҳлиллар кўрсатишича фермер хўжаликлари умумий сони, экин майдонлари миқдори ортиши билан биргаликда уларнинг ўртача ўлчамлари ҳам ортиб, экин майдонлари йириклашиб бориши кузатилади. Жумладан, 1998 йилда республика бўйича ўртача бир фермер хўжалиги ўртача ўлчами 19,4 гектарни ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб 22 гектарни, 2004 йилда 28,2 гектарни, 2009 йилда эса 62,0 гектарни ташкил қилмокда.

Ўртача бир фермер хўжалигида ишлаётган ишчилар сони миқдорида катта ўзгариш юз бермаган бўлсада (ўртача 6,5 киши атрофида сақланмокда) ёлланиб ишловчи ишчилар салмоғи ва мутлоқ сони ортиши, фермер хўжаликлари етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таварлилиги даражаси юксалиб бораётганлигидан далолат беради.

2.1-жадвал Республика бўйича фермер хўжаликлари сони ва ер майдонлари миқдори ўзгариши динамикаси³

Кўрсаткичлар	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2008 йил 2001 йилга нисбата н, (марта)
Фермер хўжаликлари сони (дона)	2304 8	31090	43759	55445	72400	10392 1	12566 8	18923 5	8,2 марат

Жами ажратилган ер майдони (м.га)	446,5	665,7	891,0	1054,7	1591,7	2935,4	3775,3	4953,2	11,1 марта
Жами ишловчилар (м.киши)	163,1	222,5	295,0	386,3	514,0	765,3	942,5	1381,1	8,5 марта
Ш.ж. –аъзо сифатида	157,7	203,0	270,7	346,3	456,1	670,1	819,8	1186,4	7,5 марта
-ёлланма	5,4	19,5	24,3	40,0	57,9	95,2	122,5	194,7	36 марта
Бир фермер хўжалигига туғри келадиган ўртача ер майдони, (гектар)	19,4	21,4	20,3	19,0	22,0	28,2	30,0	26,2	135,1
Бир фермер хўжалигига туғри келадиган ишчи (киши)	7,1	7,1	6,7	7,0	7,1	6,45	7,5	7,2	101,4
Ш.ж. -ёлланма	0,2	0,6	0,5	0,7	0,8	0,92	0,97	1,0	5 марта
Бир ишчига ер майдони юкмаси. (га)	2,7	3,0	3,1	2,7	3,1	3,8	3,9	3,6	133,3

Таҳлиллар кўрсатишича фермер хўжаликларининг кўпчилиги ўз техникаларига эга эмас. Кичик фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш хажми кичиклиги техника сотиб олишда молиявий қийинчиликлар туғдираётган бўлса, иккинчи томондан кичик ҳажмдаги фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди.

Ҳисоб-китобларимиз кўрсатишича пахтачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида битта қишлоқ хўжалиги тракторини лизинг асосида сотиб олиши учун энг камида йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 10 тонна (пахта хом ашёси) дан кам бўлмаслиги лозим экан. Ун тонна пахта ишлаб чиқариш учун эса ҳозирги кундаги фермер хўжаликлари эришаётган ўртача

ҳосилдорликни асос қилиб оладиган бўлсак 40 гектар экин майдонига эга бўлиши лозим. Шу боисдан ҳам келажакда фермер хўжаликлари ўртача ўлчамлари ортиб, фермерлар йириклашиб бориши лозим.

Фермер хўжаликлари йириклашиб бориши, амалга ошириладиган агротехника жараёнларининг механизациялаштириш даражаси ортиб бориши, қўл меҳнати салмоғининг камайиши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидан иш кучининг бошқа соҳаларга ўтишига замин туғдиради.

Қашқадарё вилояти бўйича фермер хўжаликларида банд бўлган ишчилар сони ўзгариши динамикаси таҳлиллари кўрсатишича фермер хўжаликлари сони ортишига нисбатан улардан банд бўлган меҳнат ресурслари сони ортиши суръати юқорироқ бўлмоқда.

Жумладан, вилоятда 2008 йилда 1998 йилга нисбатан фермер хўжаликларида банд бўлган ишчилар сони 18,1 маротобага ортиб, 5600 кишидан 101213 кишигача кўпайган.

Битта фермер хўжалигига тўғри келувчи ишчилар сони ўзгариши динамикаси таҳлили кўрсатишича, фермер хўжаликларида банд бўлган ишчилар сони ортиб бормоқда. Жумладан 1998 йилда вилоят бўйича ўртача бир фермер хўжалигига 5,4 киши тўғри келган бўлса 2008 йилга келиб бу рақам 6,6 кишини ташкил этган. Алоҳида туманлар бўйича эса ушбу кўрсаткич бир қадар фарқларга эга. Жумладан, Яккабоғ туманида йиллар бўйича турлича меҳнат ресурслари таъминоти кузатилиб, 2008 йилда 1998 йилга нисбатан камайиш юз берган. Яъни бу кўрсаткич 8,7 кишидан, 6,9 кишига тушган.

Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келаётган ўртача ишловчилар сонининг ортиб бориши, фермер хўжаликларида меҳнат ресурслари билан таъминот даражаси ортиб бораётганлиги кўрсатаётгандек бўлсада, аммо, хўжалиқда ишловчи ўртача ишловчилар сони ҳисобига экин майдонлари юкламаси пасайиши кузатилиши меҳнат унумдорлиги пасайиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан вилоят бўйича фермер хўжаликларида банд бўлган бир ишчи ҳисобига тўғри келадиган экин

майдоилари юкламаси 1998 йилда 3,5 гектардан 2003 йилда 3,4 гектарга пасайган. Агарда вилоятда фермер хўжаликларининг аксарият қисми (28,6) ғалла экинлари билан бандлиги, чорвачилик ҳудудларида фермер хўжаликлари ихтиёрида 50-100 гектар ерлар мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак ва ушбу ҳудудлар учун бир ишчига тўғри келадиган илмий асосланган ер майдонлари юкламаси 10-20 гектарни ташкил этишини асос қиладиган бўлсак, вилоят бўйича бир кишига тўғри келадиган экин майдони юкламаси меъёрга нисбатан анча камлигини кўрсатиш лозим.

Аммо, шу билан биргаликда иқтисодий қийинчиликлар юз берувчи ўтиш даврига хос бўлган иқтисодиёт даврида ва шунингдек меҳнат ресурслари ортиқчалиги яққол намаён бўлувчи давлатларда нисбатан қиммат ишлаб чиқариш омиллари, арзонроқ ишлаб чиқариш омиллари билан алмаштирилиши қонуният ҳисобланади. Бу ҳолатда нисбатан арзан ишлаб чиқариш омиллари сифатида иш кучини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Аммо, фермер хўжаликларида меҳнат ресурслари бандлиги ва бир ишчи ҳисобига тўғри келадиган ишчилар сони, фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлиллари шундан далолат бермоқдаки, фермер хўжаликлари ширкатларга нисбатан анча юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқдалар. Жумладан қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий экини ҳисобланувчи пахта ва ғалла етиштириш иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи натура кўрсаткич экинлар ҳосилдорлиги даражаси таҳлиллари кўрсатишича, вилоятда фермер хўжаликлари юқори кўрсаткичларига эришмоқда.

Эришилган пахта хом ашёси ўртача ҳосилдорлиги кўрсаткичида ҳам туманлар бўйича 1998-2008 йиллар давомида кескин ўзгариш кузатилмасада, фермер хўжаликлари кўрсаткичи вилоят бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан туманлар бўйича ўртача 5-6 % га юқори бўлмоқда.

Айниқса сўнгги икки йил давомида вилоят пахтачилигида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, кўпчилик туманлар бўйича

фермер хўжаликларнинг ўртача пахта ҳосилдорлиги 26-30 центнерни ташкил қилмоқда (вилоятнинг пахта ҳосилдорлиги ўртача кўрсаткичига асосан 2006 йилгача бўлган даврда пахта етиштирувчи ширкат хўжаликлари кўрсаткичлари таъсир кўрсатган).

Республикада ва шу жумладан Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг сурункали зарар билан ишловчи ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари ҳисобига ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора тадбирлар натижасида фермер хўжаликларини ривожлантириш асосида пахта ва галла етиштириш борасида ижобий ютуқларига эришиш имкониятлари кенгаймоқда. Таҳлиллар кўрсатишича Ҳукумат қарори асосида тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилган ширкат хўжаликлари эришган натижалар ва фермерга айлантирилгандан кейинги натижалар ўртасида натижа фарқ кузатишмоқда.

Жадвал-2.5 маълумотларидан кўриниб турибдики вилоятдаги сурункали зарар билан фаолият юритувчи ширкат хўжаликлари ўрнида ўртача 80-100 та фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлагандан кейин пахта экин майдонлари камайган ва аксинча ошиб борган. Шу билан биргаликда пахта ҳосилдорлиги ўсиши ва молиявий кўрсаткичларнинг яхшиланиб бориши кузатилади.

Жумладан, Ғузор туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги ўрнида 109 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, ширкат хўжалиги пайтида (2001 йил) пахтачилик тармоги йил якуни бўйича -57,2 фойиз рентабелликка (зарарлилик) эришган бўлса, 2004 йилда фермер хўжаликлари ўртача кўрсаткичи (рентабеллиги) 13,6 фоизни, 2008 йилда эса 24,2 фоизни ташкил этиб, пахтачилик тармоги фойда келтира бошлаган. Шунингдек, фаолияти ўрганилган бошқа туманлардаги янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолияти ҳам, собиқ ширкат хўжаликларига нисбатан юқори ютуқларга эришиб, пахтачилик тармогидан фойда олишган.

Фермер хўжаликлари томонидан эришилган ютуқлар, биринчи навбатда:

- экин майдонларига ишлов бериш борасидаги, экинларни сифатли парваришlash, ўз вақтида озиқлантириш борасидаги фермернинг мулкдор сифатидаги меҳнати натижасида;

- фермернинг моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш, ортиқча сарф хара-жатларни кескин қисқартириш борасидаги тадбиркор сифатидаги меҳнати натижасида;

2.2-жадвал

Қашқадарё вилояти бўйича фермер хўжаликларига айлантирилган бир қатор хўжалиklar кўрсаткичлари (Пахтачиликда)

Хўжаликлар номлари	Фер	Жам	Экин майдони (га)				Ҳосилдорлик (ц/га)				Рентабеллик показишлари (%)			
			200	200	200	200	200	200	200	200	200	200	200	200
			1	2	4	6	1	2	4	6	1	2	4	6
Ғузур тумани														
Навруз ф.х.у.	109	2016	691	650	670		4.4	15.6	29.8		-	13.6	24.2	32.1
Косон тумани.														
Чирокчи ф.х.у.	186	5793	125	180	191		9.3	17.3	27.9		-	46.2	47.6	48.9
Жарқум ф.х.у.	96	3512	100	125	130		7.0	15.4	28.4		25.4	47.6	48.1	51.2
Майдоёби	97	4852	100	120	145		11.0	17.0	29.5		0.4	49.6	44.3	45.6
Миришкор тумани														
Чандир ф.х.у.	52	2592	958	126	140		17.9	17.8	28.2		4.7	53.7	55.0	48.9
С.Муродов	117	5425	187	264	260		15.0	20.6	28.2		-	48.5	54.8	48.6
Махтумқули	71	3635	780	190	212		16.8	17.3	29.3		-	44.7	56.9	53.2
Тожикистон	57	1955	300	816	800		10.6	16.8	29.5		25.8	20.3	33.2	34.3
Муборак тумани														
А.Навоий	69	2304	410	129	130		5.7	14.0	21.4		-	-	5,3	6.3
Нишон тумани														
А.Қодирий	142	3230	960	192	160		17.7	18.1	27.1		-	58.5	55.4	53.3
Ғулистон	152	3124	750	177	170		18.0	15.4	29.2		-	45.5	40.8	42,2
Нурли	99	3197	500	130	150		5.1	11.7	27.9		-	41.4	42.3	43.2

- фермернинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги масаласи, оиласининг фаровонлиги ўз меҳнатига боғлиқлигини сезиши натижаси сифатида намоён бўлишини меваси ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари ташкил этилиши билан моддий-техника таъминоти тизимида, пахтани сотиш, сотиб олиш тизимида, пахтага нарх белгилаш ва пахтачиликда деҳқоннинг иқтисодий эркинлигини таъмин этиш борасида катта ўзгаришлар юз бергани йўқ. Демак, фермер хўжаликлари ютуқлари гарови биринчи навбатда пахтага ишлов бериш агротехник қоидаларини ўз вақтида ўтказиш ҳисобига ҳосилдорликни оширишга эришгани ҳисобига юз берган.

Шунингдек, моддий-техника ресурсларининг ортиқча сарф қилинишига йўл қўйилмаганлиги, бошқариш тизимидаги ортиқча сарфлар камайиши ҳисобига маҳсулот таннаرخини камайтиришга мувофиқ бўлганлиги боисдан, фойда олишга эришилган.

Аммо, фермер хўжаликлари бугунги кунда моддий-техника ресурслари билан меъёрларга нисбатан кам таъмин этилаётганлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги асосий тусиқлардан бўлиб қолмоқда.

2.2.Моддий-техника таъминот даражасининг таҳлили

Таъкидлаш керакки вилоятда фермер хўжаликларини техникалар билан таъмин этиш борасида амалга оширилган ишлар қониқарли эмас. Таҳлиллар кўрсатишича аълохида туманлар бўйича фермерларнинг техникалар билан таъминланганлик даражаси 7-9 маротаба меъёрларга нисбатан кам. Бундан ташқари фермерлар томонидан сотиб олинган тракторлар етарли даражада ишчи механизмлар билан таъминланганлиги оқибатида мавжуд техникалардан фойдаланиш самарадорлигини паст ва кўп ҳолларда фермерларда зарур бўлган ишчи механизмлар эмас балким, олиш имкони булганлари сотиб олинган.

Таҳлиллар кўрсатишича вилоятда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъмин этилганлиги даражаси пасайиб бормокда. Жумладан 2000-йилда вилоятда бир фермер хўжалигига тўғри келаётган тракторлар сони 0,3 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 0,25 тага камайган. Бу дегани ҳар тўртта фермер хўжалигидан битасигина қишлоқ хўжалиги техникасига эга (2.3-жадвал.).

Тадқиқотларимиз кўрсатишича бир фермер хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган тракторлар сони камайиб боришининг асосий сабабларидан бири (мутлоқ сони ҳисобига) бу 2002 йилдан бошлаб, сурункали зарар билан ишловчи ширкат хўжаликлари негизда кўплаб фермерлар ташкил этилиши ва уларга турли техника хизматлари кўрсатиш мақсадида собиқ ширкат хўжаликлари техникалари асосида мини машина трактор парклари ташкил этилишидир. Чунки ташкил қилинган фермерларнинг аксарияти ўз техникасига эга эмас ва мини МТП хизматларидан фойдаланишади.

2.3-жадвал

Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаши'

(2008 йил)

Минг га экин ҳисобига тракторлар билан таъминот	Гуруҳга кирувчи фермер хўжаликлар и сони	Гуруҳдаги ўртача бир фермер хўжалигига тўғри	Гуруҳ бўйича бир фермер хўжалигида банл бўлган	Уртача бир фермер хўжалиги ҳисобига яппи	Бир ишчи ҳисобига яппи маҳсулот қиймати
1-гуруҳ 5-	3248	0,12	8	14800,8	1850,1
2-гуруҳ 5-	1456	0,25	6	17300,0	2471,4
3-гуруҳ 10-	896	0,41	6	25400,5	4233,4
Жами	1866,7	0,26	7	19167,1	2738,2

Тадқиқотларимиз кўрсатишича вилоятда ўрганилган 5600 та фермер хўжалигининг (бу жамига нисбатан 60 фоиз) деярли 58 фоизида (3248 та фермер хўжалиги) 1000 гектар экин майдони ҳисобига 0,12 та тракторлар

тўғри келади. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки фермер хўжаликлардаги мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари асосий қисми эски ва ўз амартизация муддатини ўтаб бўлган техникалар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминот яхши бўлмаган фермер хўжаликларида ўртача бир фермер хўжалиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 5508,8 минг сўмни ташкил этиб, бу вилоят бўйича ўртача

кўрсаткичга нисбатан 64 фоизни ташкил этади. Шунингдек, техникалар таъминоти паст бўлган фермер хўжаликларида ўртача бир ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳам вилоят ўртачасига нисбатан 2.2 маротабага камроқни ташкил этмоқда. Бу ўз-ўзидан маълум, техникалар билан кам таъминланганлик кўпроқ қўл кучини талаб этади ва меҳнат унумдорлиги паст бўлиб маҳсулот бирлиги ҳисобига тугри келадиган харажатлар миқдори ортиб боради. Юқоридаги таҳлиллар натижалари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, фермер хўжаликларини техник қуроллантириш муоммасы мавжудлигини ва уни ҳал этиш лозимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки фермер хўжаликлари ташкил этилган кунлардан бошлаб уларга моддий-техника воситалари етказиб бериш масаласи Ҳукуматимиз томонидан махсус фондлар ташкил этиш орқали амалга ошириб келинди. Аммо, бозор муносабатлари шаклланиши техника ва техника воситалари таъмин этиш борасида эркин бозор ва очиқ олди-сотди, муносабатларини йўлга қўйиш мумкин, шу билан биргаликда ривожланган давлатлар тажрибалари кўрсатишича қишлоқ хўжалиги учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари баҳолари динамикасини доим назорат қилиш зарурлиги тан олинмоқда. Чунки аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги машиналари ва тракторлари ишлаб чиқарувчи корхоналар монопол вазиятда фаолият юритишади ва фермерлар учун ноъмақул ҳисобланган боҳолар шаклланишига шароитлар тугилади.

Бугунги кунда мавжуд шароитлар шуни тақозо этадики, фермерлар «Ўз қишлоқ хўжалиги таъминот тамир» тизими орқали вилоятларда ташкил этилган «Агроташсервис» корхоналаридаги ўзларига керакли бўлган моддий

техника воситаларини сотиб олишлари мумкин. Вилоятнинг барча туманларида фаолият кўрсатаётган «Агромашсервис» хиссдорлик жамиятлари таркибида моддий техника таъминоти бўлимлари фаолият кўрсатишмоқда, бундан ташқари вилоят «Қашвилагромашсервис» таркибида 5 та ҳудудий базалар фаолият кўрсатишмоқда ва улар зиммасига вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек бошқа кишлоқ хўжалиги корхоналарига, уларнинг талабларини ўрганган ҳолда машиналар, ускуна ва инвентарлар етказиб берувчи заводларни топиш ва улар ўртасида шартномалар тузишда кўмаклашиш, «Ўзбекистон кишлоқ хўжалик таъминот таъмир» базалари орқали фермерларга машиналар, механизмлар, ускуналар ва бошқа моддий-техника воситалари етказиб бериш, фермерлар буюртмалар асосида эҳтиёт қисмлар, ёқилғи мойлаш материаллари, машина ва механизмлар олиб келиб, сотишни йўлга қўйиш, фермерларда мавжуд техникалар эҳтиёт қисмларини шартномалар асосида қайта тиклаш ва ушбу йўналиш бўйича тайёрловчи заводлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифалар юклатилган. Аммо, бугунги кундаги фермерларни моддий-техника воситалари билан таъмин этиш борасидаги аҳволи қониқарсиз ҳолатда.

Фермерларнинг моддий-техника воситалари билан таъмин этиш борасида «Фермер хўжаликлари уюшмаси» томонидан бир қанча чора тадбирлар амалга оширилмоқда, ишлаб чиқарувчи корхоналар фирма магазинлар орқали улгуржу баҳоларга техника воситалари етказиб беришни йўлга қўйишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо, бу борада фермерлар олдида тўсик бўлаётган энг катта муаммолардан бири бу сотилган маҳсулот ўз вақтида пул келиб тушмаслиги оқибатида ҳисоб рақамларида эркин маблағнинг доимо бўлмаслиги ва қолаверса техника ва техника воситалари нархларининг тез суръатлар билан ўсиши натижасида фермерлар тўлов қобилиятини пасайишидир.

Фермерларга минерал ўғитлар ва турли хил химикатларни етказиб бериш асосан «Ўзагрокимётаъминот» корхоналари туман бўлимлари томонидан етказиб берилмоқда, Бу ерда шуни аълоҳида таъкидлаш жоизки

минерал ўғитлар, турли хил химикатлар фермерларга етиб келгунга қадар кўплаб воситачи бўлинмалар қўлидан утиб нархлари жуда ошиб кетмоқда. Масалан, минерал ўғитлар заводларида Республика «Агрокимётаъминот» тизимига, сўнгра вилоятлар бўлимларига ва туманларига етиб келади, бу ерда ҳар бир бўгин 15-20 фоизлик устама харажатлари ва қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади, натижада бир сўмлик ўғит 2-2.5 сўмга ортади. Бу ерда энг маъқул йўл заводларидан бевосита олиш имкониятларини қидириш ёки заводларнинг жойларида ваколатли дўконларини очиш мақсадга мувофиқдир.

Фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилаётган техника ва техника воситалари ҳам бошқа моддий-техника воситалар каби кўплаб воситачилар орқали етказилмоқда.

Кузатишлар кўрсатмоқдаки янги техникалар ва қимматбаҳо хориж техникалари «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» таркибидаги фирмалар томонидан харид қилиниб 15 фоизлик устама ва 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмоқда, сўнгра вилоятларга, вилоятлар эса туманларга етказишмоқда бунда вилоятда ҳам, туманда ҳам юқоридаги устама қўшилиб техника воситалари қиймати оширилади. Фермер ўз баҳосидан 2-2,5 баробар қиммат бўлган техника воситалари таклиф қилинади. Бугунги кундаги фермерларнинг молиявий аҳволи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат маҳсулотлари нархининг ўсишидаги тафовутлар фермерларнинг тўлов қобилиятини пасайтириб, оқибатда уларнинг фаолияти иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридаги тилга олинган вазиятлар фермерларга бугунги кунда техника сервис ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш нечоғлик долзарблигини кўрсатмоқда. Мавжуд МТП лари билан бир қаторда хизмат кўрсатиш тармоғида рақобат муҳитини шакллантириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бозор шароитида фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъмин этиш соҳаси асосан хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатга келтирувчи иқтисодий механизмлар асосида фаолият юритиши лозим.

3-боб. Фермер хўжалиги моддий-техника базасини ривожлантиришда техника лизинги тизими аҳамияти

3.1. Фермер хўжаликлари фаолиятида лизинг муносабатларини жорий этишда мавжуд муаммолар

Бугунги кунда республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларидаги моддий-техника воситалари билан таъминланиш даражасини таҳлили шуни кўрсатадики, фермерлар кишлоқ хўжалиги техникалари билан эҳтиёжга нисбатан жуда кам таъминланган. Ҳозирга қадар фермер хўжаликлари асосан қайта тикланган кишлоқ хўжалиги техникаларига таяниб ва МТП лар хизматларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритишиб келмоқда. Аммо, тадқиқотлар кўрсатишича МТП лар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва нархлари ҳар доим ҳам фермер талабини қондираётгани йўқ.

Мавжуд кишлоқ хўжалиги техника ва механизмлари аксарият ҳолларда ўз хизмат муддатларини аллақачон ўтаб бўлган, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан эскирган. Мавжуд техникаларни бутловчи қисмлар билан таъминлаш ва техник жиҳатдан хизматлар кўрсатиш воситалари тақчиллиги, бутловчи қисмлар ва умуман кишлоқ хўжалиги техникалари баҳолари ўсиш суратлари ўта юқорилиги, фермер хўжаликларининг аксарият қисми молиявий кийинчиликларни бошдан кечираётганлиги, моддий-техника базасини янгилаш имкониятларини чегаралаб қўймоқда.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори меҳнат умумдорлигига эга бўлган сифатли, замонавий техника воситалари билан таъмин этишнинг бирдан бир тўғри йўли лизинг муносабатларидан кенг фойдаланишдир.

Фермер хўжаликларида молиявий маблағлар етишмайдиган ҳозирги вақтда ёки янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларини кишлоқ хўжалиги техникалари билан таъмин этишда лизинг бозорини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Республикада қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга беришда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилган «Ўзкейсагролизинг» ва «Ўзқишлоқхўжмашлизинг» компаниялари фаолият юритишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори асосида «Ўзқишлоқхўжмашлизинг» компаниясига МТПлар, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини «Ўзқишлоқхўжмаш-ҳолдинг» компанияси корхоналарининг техникалари таъмин этиш, вазифаси юклатилган бўлиб, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси, «Ўзкейстрактор» қўшма корхонасининг «МХ-135» русумли чопиқ трактори ва «Ўзкейсмаш» қўшма корхонасининг «Кейс-2022» русумли пахта териш машиналарини ва Тошкент Трактор заводининг «ТТЗ» русумли тракторларини лизинг орқали фермерларга сотишни ташкил қилмоқда.

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалиги ривожлантиришга кредит маблағларини жалб қилиш ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг улкан манбаи бўлиб, бунда лизинг тизими асосий воситаларни янгилаш борасидаги кредитларнинг алоҳида кўриниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида» ги қонунида (1999 йил) лизинг муносабатларига берилган таърифда: «Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизингга олувчи) нинг топшириғига биноан учинчи тараф (сотувчи) дан ҳақ эвазига олиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объекти) ни олади».

Ривожланган давлатлар тажрибалари кўрсатишича техника лизингидан фойдаланиш фермерлар учун қисқа вақт ичида ҳаракатчан асосий фондларни шакллантириш ва янгилашга, натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини

оширишга мустаҳкам замин яратади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги техникалари учун сарф қилинган маблағлар таркибида, техникалар лизингги билан боғлиқ харажатлар АҚШда -30 фоизгача, Австрияда -8-10 фоизгача, Англия ва Францияда эса -16 фоизгача етиб боради.

Шунингдек Англияда банк томонидан қишлоқ хўжалиги учун ажратиладиган кредитларнинг 70 фоиздан ортиги, қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилиш учун ажратилиши, лизинг муносабатларининг тармок моддий-техника базасини мустаҳкамлашдаги ўрни бекиёс эканлигидан далолат беради.

Агарда хорижий давлатлар тажрибасига чуқурроқ эътибор берадиган бўлсак, техникалар лизингги масаласи ривожланишига биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш соҳасидаги ривожланиш натижасида машинасозлик корхоналари кучли рақобат шароитига тушиб қолиши ва ўз маҳсулотларини сотиши қийинлашиши ҳам сабаб бўлган. Техникалар лизингги эса қиммат баҳоли техникалар кўринишидаги товарларни сотишнинг энг маъкул йўли ҳисобланади.

Аммо, республикамиз шароитида лизинг бозорини ривожлантириш бир қадар ўзгача мақсадлар устиворлигини кўзда тутати. Яъни лизинг, фермерларнинг молиявий маблағлари етишмайдиган бир шароитда, техника ва ускуналар нархлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари шаклланишидаги жараёнлар турличалиги натижасида фермернинг тўлов қобилияти пасайиши оқибатларини бартараф этиш воситаси сифатида майдонга чиқмоқда.

Агарда бошқачароқ таърифлайдиган бўлсак, лизинг тизими қишлоқ хўжалиги техникаларини фойдаланувчиларга узоқ муддатга ижарага бериш масаласини ҳал этади ва ижарага берилган техника қийматини маълум муддатда тенг миқдорларда тўлаб боришни назарда тутати. Аммо, лизинг ижара ёки прокатга караганда анча кенг тушунча бўлиб, катта устунликларга эга. Бу устунликлар айниқса эндигина оёққа туриб келаётган фермерлар учун катта аҳамиятга эга. Техника воситалари лизингидан фойдаланиш фермерлар

учун айна пайтда қуйидаги иқтисодий муносабатлар тизимига биргаликда ҳал этиш имконини беради:

- фермернинг техника ижараси муаммосини ҳал этиш;
- фермернинг техникадан фойдаланиш ёки техникага эга бўлиш жараёнини молиялаштириш масаласини ҳал этиш;
- фермерга техника воситаларини айрибошлаш жараёнини амалга ошириш. Бошқача қилиб айтиладиган бўлса, фермерлар лизингдан фойдаланиш натижасида, техника воситалари харид қилиб, ушбу техникалардан нафақат фойдаланиш балки, лизингнинг маълум турида техникага эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам лизинг тўловларини амалга ошириши миқдорига мос равишда ўзлаштира боради ва техникалар харидини молиялаштиришни амалга оширишади. Шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа эҳтиёжлар учун молиявий маблағларни озод қилиш ва хусусий хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалиги техникалари лизингида энг кўп тарқалган турлари бу оператив ва молиявий лизинг ҳисобланади. Оператив лизингда - қишлоқ хўжалиги техникалари хизмат қилиш муддатларига нисбатан анча кам муддатларга ижарага берилса, молиявий лизингда-қишлоқ хўжалиги техникалари узоқ муддатга лизингга берилиб, ушбу муддатда қишлоқ хўжалиги техникаси тўлиқ қиймати сотувчига тўлаб борилади ва муддат тугагандан сўнг у фермернинг мулкига айланади. Шу боисдан, республикамызда фермер -хўжаликларини техника билан таъмин этишда молиявий лизингдан кенг фойдаланиш лозим. Бунда бизнингча қуйидаги масалалар ҳал этилади (расм-3.1)

- молиявий лизинг тизими доирасида банк-кредитлари кўринишидаги молиявий капитал қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга самарали инвестиция қилинади;
- молиявий лизинг орқали фермерларни техника билан таъминлаш даражаси ортиши мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги юксалишига замин туғдиради;



Расм-3.1. Фермер хўжаликларида моливий лизинг асосида техника етказиб берилиши ҳисобидан ҳал этиладиган муаммолар¹⁵

- моливий лизинг тизими орқали фермер даромади ортиши натижасида янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар даромадлари ортишига асос яратилади ва бу ижтимоий барқарорлик гарови сифатида намаён бўлади;
- моливий лизинг орқали фермер янги замонавий ва унумдор техника қиёфасидаги фаол инвестицион мулк эгасига айланади ва бу жамият равнақига ўз хиссасини қўшади;
- моливий лизинг янги замонавий техникаларга хизмат кўрсатиш тизими инфраструктураси ривожига туртки беради ва соҳада малакали мутахассислар пайдо бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади;
- моливий лизинг орқали сотиб олинган янги техника фаол буюмлашган меҳнат қиёфасида янги қўшимча қиймат яратиб боради ва

натижада, фермернинг йиллик нисбий ялпи ҳаражатлари миқдори камайиб боради;

- молиявий лизинг тизимида фермер қишлоқ хўжалиги техникаларини 7 йиллик муддатга дастлабки 15 фоиз қийматини тўлаган ҳолда сотиб олади. қолган қисми банкларнинг имтиёзли кредитлари (12-15 % ставкада) томонидан молиялаштирилади. Ҳозирда республикада қишлоқ хўжалиги учун асосий воситалар сотиб олишни 7 йил муддатга мазкур ставкада молиялаштирадиган банклар мавжуд эмас (бу нисбатан жуда имтиёзли ставка ҳисобланади).

Юқоридаги вазиятларни ҳисобга оладиган бўлсак, лизинг тизимини ривожлантириш фермер хўжаликларини техника билан таъмин этишда асосий воситага айланиши лозим.

3.2.Лизинг асосида моддий-техника таъминоти тизимини ривожлантиришнинг молиявий дастаклари

Қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги, ижарага бериш, харид қилиш ва харидни молиялаштириш тизимини қуйидаги субъектлар иштирокида бирга амалга оширади (расм-3.2):

1. Ўз техника воситаларини «Лизинг шартномаси» асосида фермерга фойдаланиш учун ижарага берувчи субъектлар одатда лизинг берувчилар ҳисобланади. Одатда кўп учрайдиган лизинг берувчи субъектлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- лизинг билан шуғулланиш мақсадида ташкил этилган ва лизинг операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган.



Расм-32. Қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги бозори иштирокчилари

Лизинг компаниялари:

лизинг фаолияти билан шуғулланиш рухсат этилган банк муасссалари ёки унинг бўлимлари:

- лизинг муносабатларини амалга ошириш учун етарли миқдорда молиявий маблағга эга бўлган ва нафакат молиялаштириш балки, хизматлар кўрсатиш, техника воситаларини таъмирлаш хизмат кўрсатувчи ходимларни ўқитиш ва уларга маслаҳатлар бериш каби ишларни бажарувчи хусусий тузилмалар томонидан амалга оширилади. Республикамизда ҳозирда лизинг берувчилар сифатида, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ва

«Узкейсагролизинг» компаниялари фаолият юритишмоқда. Бизнингча ушбу тизимда рақобат асосида фаолият юритувчи компаниялар сонини ошириш лозим.

2. Лизинг муносабатларида иштирок этувчи, иккинчи томондан, техника воситаларидан фойдаланувчи турли хўжалик юритиш шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ва МТП лар ҳисобланади. Улар одатда ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ва эгаллик қилиш мақсадида техника воситаларни (мулкни) сотиб олувчилардир.

3. Лизинг муносабатларининг учунчи иштирокчилари сифатида техник воситалар ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи (сотувчи) корхоналар майдонга чиқади. Республикамизда ҳозирда бундай корхоналар сифатида «Ўзқишлоқхўжмашҳолдинг» компанияси фаолият юритмоқда. Ушбу тизимда ҳам рақобат муҳити етишмаслиги кузатилмоқда.

Юқорида билдирилган фикрларни жамлаган ҳолда лизинг муносабатлари иқтисодий моҳиятини очиб берадиган бўлсак, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин лизинг фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган субъект, лизинг объектлари ишлаб чиқарувчи корхоналардан буюртмалар асосида олинган мулкларни лизинг шартномасига биноан, маълум муддатга ва келишилган лизинг ҳақини тўлаб бориш шарти билан лизингга олувчига фойдаланиш учун етказиб беради. Бу ерда лизинг тўлови миқдори белгиланган тартибда (томонлар келишуви асосида) амалга оширилсада, асосан лизинг компанияси томонидан сарфланган харажатлари тўлиқ қоплаши ва маълум миқдордаги фойда меъёрини таъмин этиши кўзда тутилади.

Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосини томонлар ўртасида имзоланган «Лизинг шартномаси» ташкил этади. Лизинг шартномасида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг, лизингга олувчи фермер лизинг объектини тўлалигича ўз тасарруфига ўтказган ҳолда сотиб олиш мумкин.

Лизинг шартномалари тижорат асосида фаолият юритувчи лизинг компаниялари ёки бевосита банклар томонидан молиялаштирилади. Агар


лизингни лизинг компаниялари эмас бевосита банклар амалга оширса, бунда лизингга олувчи фермер харажатлари янада камаяди. Шунинг учун ҳам республикада бевосита банк молиялаштирадиган лизинг механизмлари жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Лизинг операцияларини амалга ошириш жараёнида лизингга берувчи, лизингга олувчи ва лизинг объектларини сотувчилардан ташқари, лизинг операцияларини молиялаштирувчи компаниялар, банклар, сугўрталовчи ва турли маслаҳат берувчи муассасалар, давлат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга беришда лизингнинг турли кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Дунё амалиётига эътибор берадиган бўлсак, лизингнинг жуда кўплаб шакллари мавжуд, айтиш вақтда, бир қанча турини биргаликда қўшиб олиб борилиши мумкин.

Фермерлар молиявий аҳволи ва янги техникалар баҳосини ҳисобга олган ҳолда бизнинг фикримизча, қолдиқ кийматли лизинг механизмини жорий этиш лозим. Бунда ишлатилган техника воситалари фойдаланиш учун берилади ва техника қолдиқ баҳода баҳоланади. Бу мавжуд вазиятдан чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда фермер хўжаликлари томонидан лизингга олинган техникалар сони тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Жумладан, республика бўйича 2009 йилда жами 6 та қишлоқ хўжалиги техникаси лизингга олинган бўлса, 2006 йилга келиб 2070 тани ташкил этган (расм-3.3)



**Расм-3.3. Республика бўйича фермерлар томонидан
"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясидан лизингга
олинган техникалар сони ўзгариши¹⁷**

Шунингдек, лизингга олинаётган техникалар таркиби ўзгариши таҳлиллари кўрсатишича, лизингга олинган техникалар асосий қисмини Тошкент трактор заводи техникалари ташкил қилмоқда. Жумладан, 2001 йилда жами лизингга берилган техникалар таркибида «ТТЗ» русумли тракторлар 58,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2004 йилга келиб 73,6 фоизни ташкил қилган. Бунда биринчи навбатда лизингга техника сотиб олаётган хўжаликлар таркибида фермерлар салмоғи 2001 йилдаги 0,2 фоиздан 2006 йилда 51,7 фоизга ортганлиги сабаб бўлган. Чунки фермерлар асосан нисбатан арзонроқ бўлган техникалар сотиб олишдан кўпроқ манфаатдор бўлмоқда (3.3-жадвал).

Тадқиқотлар кўрсатишича, фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъмин этишда лизинг тизимини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

3.1-жадвал

Фермер хўжаликлари томонидан лизингга олинган техникалар таркиби ўзгариши динамикаси¹⁸

Йиллар	Жамитехника (фоиз)	Ш.ж. техника русуми			Хўжалик юритиш шакллари бўйича		
		«МХ-140»	«ТТЗ»	Бошқа	Ширкат хўжалиги	Фермер хўжалиги	Бошқа хўжалик
2003	100	1,8	58,8	39,4	95,6	0,2	4,2
2004	100	2,2	63,7	38,5	86,9	8,0	5,1
2005	100	1,9	62,8	35,3	74,4	18,0	7,6
2006	100	1,8	73,6	24,6	30,9	51,7	17,4
2008	100	1,7	74,5	23,8	00,5	92,3	7,2

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини техникалар билан лизинг асосида таъмин этишнинг ҳуқуқий негизлари такомиллашиб бориши лозим. Хусусан, бугунги кунда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қолдиқ қийматли лизинг масаласи эътибордан четда қолган ва ушбу лизинг турини амалга оширишнинг механизмлари мавжуд эмас;

- қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги билан шуғулланувчи лизинг компаниялари соҳасида хусусий тармоқни кенг ривожлантириш орқали рақобат муҳитини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги билан шуғулланувчи малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, уларни чет давлатларда ўқиш, малака оширишга йўллаш ёки чет эл мутахассислари иштирокида ўқув курсларини ташкил этиш;

- лизинг компаниялари фаолияти бўйича солиқ сиёсати, молиялаштириш компаниялари ва банк маблағларининг қайтишини кафолатловчи самарали иқтисодий тизим жорий этиш;

- лизинг операцияларини бевосита банк орқали молиялашнинг ҳуқуқий - меъёрий асоси ва иқтисодий механизмларини жорий этиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг ўз ечимини топиши фермер хўжаликларини лизинг асосида олинган техника воситалари билан таъмин этишни янада ривожлантириш имконини беради. Юқори умумли, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги бўйича республикамізда 1995 йилдан бошлаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хорижий давлатларнинг етакчи машинасозлик компаниялари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида ҳайдов тракторлари ва ғалла ва пахта териш комбайнлари олиб келиниб, улар асосида МТП лар қуроллантирила бошланди.

Аммо, таҳлиллар кўрсатишича МТП лар хизматидан фойдаланиш фермерлар учун зарурат бўлсада, МТП лар кўрсатаётган хизмат нархлари юқорилиги фермерлар учун молиявий муаммолар туғдирмоқда. Таъкидлаш лозимки МТП лар хизматлари харажатлари таркибида лизинг тўловлари салмоғи 65-75 фоизгача етиб бормоқда. Демак, лизинг тўловларини камайтириш хизмат ҳақлари камайтиришдаги кучли таъсир этувчи омил ҳисобланади.

Лизингга олинган юқори унумли техникалар 10-12 йиллик муддатда ҳам ўз техника имкониятларини тўлиқ сақлаб қолишини ҳисобга олган ҳолда

ва техникадан фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини камайитириш мақсадида лизинг муддатини 10 йилга узайтириш мақсадга мувофиқ.

Лизингга олинган техникадан фойдаланиш муддати ошиши бажарилган иш бирлигига тўғри келадиган харажатларнинг камайишига олиб келади. Буни қуйидаги ҳисоб-китоблар орқали кўришимиз мумкин (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги техниклари молиявий лизинги муддатига боғлиқ
ҳолда лизинг тўлови юки ўзгариши¹⁹
(минг АҚШ долларида)**

Кўрсаткичлар	"Магнум" тракторига плуги	"Кейс" ғалла комбайни
Техниканинг нархи	119,7	144,7
Личинг хизмати маржаси (йиллик 20	5,9	7,2
Кўшилган қиймат солиғи.	1,18	1,44
Сугурта тўлови.	8,3	10,5
Қарз учун тўлови.	20,1	32,8
Шартноманинг умумий нархи.	155,18	196,64
Йиллик бажарадиган иш ҳажми (га)	1300	750
(Лизинг тўлови муддати 7 йил бўлганда)		
Йиллик лизинг тўлови (техника	22,17	28,09
Бир га учун лизинг ҳақи (АҚШ	20,0	40,0
Ўзбек миллий валютасида (сўм)	26000	52000
(Лизинг тўлови муддати 10 йил бўлганда)		
Йиллик лизинг тўлови (техника	15,52	19,66
Бир га учун лизинг ҳақи (АҚШ	11,94	30,0
Ўзбек миллий валютасида.(сўм).	15522	39000
Бир гектар учун лизинг ҳақи 10 йиллик муддатда камайиши		
-фоизда	40,3	25,0
-сўмда	10478	13000

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, лизингга олинган техникаларнинг, лизинг муддати ўзайиши билан, лизинг тўлови миқдори ҳам тескари мутаносиблик бўйича камайиб бормоқда ва натижада бу техникалар билан бажариладиган ишлар бирлигига тўғри келадиган сарф харажатлар камайишига замин яратади. Жумладан, ер

хайдашда лизинг муддати 7 йиллик бўлганда бир гектар экин майдонини шудгорлашга жами 26000 сўм лизинг тўлови тўғри келадиган бўлса, 10 йиллик муддат ҳисобида эса бу кўрсаткич 15522 сўмни ташкил этиб, 40,3 фоизга камайганини кўриш мумкин.

Шундай қилиб техника лизинги, фермер хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашда истиқболли йўналишдан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар тайёрланди;

Кўп укладли аграр иқтисодиёт тизимида, эркин тадбиркорлик тамойиллари асосида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари аҳамияти ортимоқда. Аммо, фермерчилик ривожига маҳсулот етиштириш, моддий-техника ресурслари таъминоти ва хизмат кўрсатиш борасида кўплаб ишларни амалга ошириш лозим.

1. Бизнингча, фермер хўжаликларида моддий-техника таъминоти деганда- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларини охириги истеъмолчиларга етказиб бериш орқали, фермер хўжаликлари аъзолари моддий фаровонлигини оширишга замин яратувчи воситалар билан таъмин этишни кўзда тутиш лозим. Буларга, қишлоқ хўжалиги ерлари, бинолар, қишлоқ хўжалиги машиналари, транспорт воситалари, чорва моллари, кўп йиллик мевали дарахтлар, уруғлик, ем-хашак, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

2. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича ривожланган хизмат кўрсатиш тармоғига эга бўлмай, бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти чекланган.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кўплаб хом-ашё, энергия манбалари, транспорт воситалари, омборхона, техник таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, турли маслаҳатларга (агрономия, иқтисодий, зооветеринария, ҳукукий) талаблар ошишига олиб келади. Хизматлар кўрсатиш тизими ривожланиши эса маҳсулот сифатини ошириб, таннархи ва самарасиз сарфларни камайтиради.

3. Фермер хўжаликларида моддий-техника ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда қуйидагича ёндашиш лозим:

-фермерларга хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимида рақобатчи хусусий фирмалар, техник хизмат марказлари, ширкатларини ривожлантириш;

-фермерларга моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий ва ички инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

-хизмат кўрсатиш тузилмаларига молия-кредит ва солиқлар бўйича имтиёзлар яратилиши мақсадга мувофиқ.

4. Таҳлилларга қараганда белгиланган лимитдаги нефт маҳсулотлари фермерга вақтида етиб бормаслиги агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга тўсиқ бўлмоқда.

Ҳозирдаги нефт маҳсулотларини тақсимотидан воз кечиш лозим. Биринчи босқичда нефт маҳсулотлари тақсимот тизимини фақатгина давлат буюртмаси бўйича етиштириладиган маҳсулотлар (пахта, ғалла) бир қисми учунгина саклаб қолиб, бошқа маҳсулотлар учун эркин савдо шахобчалари орқали савдо қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Очiq савдо орқали фермерларга сотиладиган нефт маҳсулотлари баҳоси бозор баҳосида бўлиши боисдан, фермер хўжалиги учун белгиланган солиқ имтиёзлари (қўшилган киймат солиғи) бевосита маҳсулот баҳоси орқали эмас, балки фермернинг меъёрий талабини ҳисобга олиб, унинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкин.

Истиқболсиз ширкат хўжаликлари ўрнида пайдо бўлган фермерларга кимёвий таъминот шахобчалари ташкил этилиши ўғит таъминоти муоммосини ҳал этгани йўқ. Бу энг аввало;

-фермерга ўғитни фонд орқали тақсимоти, ўғитларни сотиб олиш борасидаги фермер эркин эмаслиги билан боғлиқ;

-экинларни озиклантиришда ўғитлар нисбати сақлансада умумий талаб асосан азотли ўғит ҳисобига қондирилмоқда;

-молиявий ҳисоб-китоблар тизимидаги номутаносибликлар, кўп ҳолларда фермерлар маблағининг фермер хоҳишини эътиборга олмасдан турли корхоналарга банклар томонидан ўтказилиши ҳолатлари фермернинг танлаш имконини чеклайди.

Бизнингча кимё воситалари ишлаб чиқарувчи заводларнинг ҳудудий дилерлик бўлимлари маҳаллий савдо шахобчаларини очиш орқали фермерга

хизмат кўрсатиш минерал ўғит нархининг кескин арзонлашиши ва ўзаро тўловларни амалга ошириш самарадорлиги ортишига олиб келади.

5. Тадқиқотлар кўрсатишича ДАЖ МТП лар фермернинг талабини тўлиқ қондириш имконига эга эмас. Бу хизмат сифати пастлиги ва нархлари юқорилиги орқали намаён бўлмоқда.

-МТП ДАЖлардаги эгасизлик натижасида қимматбаҳо, техникалар тез ишдан чиқиши, ортиқча харажатлар пайдо бўлиши ва хизмат нархлари ортишига олиб келмоқда;

-кооперацияни ривожлантириш фермер хўжаликларига арзон ва сифатли техника хизматлари кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.

6. Фермер хўжаликларида тузилаётган шартномаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин; биринчи гуруҳ-фермер хўжалиги ички хўжалик фаолияти билан боғлиқ шартномаларни, иккинчи гуруҳга фермер хўжалигининг турли хизматлар кўрсатиш, моддий техника таъминоти ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ ташқи шартномалар. Айнан иккинчи гуруҳга кирувчи шартномалар ҳозирда фермерлар фаолиятида асосий ўринни эгалламоқда.

7. Маҳсулот етиштириш, сотишда шартнома муносабатлари ривожда қуидаги вазиятларга эътибор қаратиш лозим:

-шартнома муносабатларини такомиллаштириш нафақат шартнома шартларининг бажарилиши устидан давлат, жамоат ташкилотлари назоратини кучайтириш билан, балки фермерга хизмат кўрсатувчи тизимда бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган фаолият механизмини жорий этиш лозим;

-фермер билан тайерловчи, қайта ишловчи корхоналар ўртасида шартномалар тузишда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусиятини ҳисобга олиш лозим;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг табиий-иқлим шароитлари таъсирига моиллиги, шартнома тузишда меъзон бўлиши лозим. Чунки, шартнома иқлим ўзгариши, табиий офатлар сабабли талаб даражасида бажарилмаслиги мумкин. Шартномада бундай вазият учун «Форс-мажор» шартини киритиш

кўзда тутилсада, кўп ҳолда шартномалар «Форс-мажор» га юзаки ёндошиб
имзоланади;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. // Халқ сўзи. - 1998. 1 май.
2. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». // Солиқ тўловчининг журнали, - Тошкент, 1998. № 7-8. -Б. 12.
3. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, -1998. - №7-8. - Б. 21-25.
4. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, - 1998. - №7-8. - Б. 22-26.
5. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Лизинг тўғрисидаги қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ. - Тошкент, 1999. - № 6. - Б. 5.
6. Қарор. «Машина-трактор паркларининг моддий - техника базасини янада мустаҳкамлаш уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Республика Вазирлар Маҳкамаси 106-сон қарори. - 1998. 10 март.
7. Қарор. «Қишлоқ хўжалигида агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Республика Вазирлар Маҳкамасининг 63-сон қарори. -2001. - 1 феврал.
8. Меъёрий ҳужжат. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом. // Солиқлар ва божхона хабарлари, - Тошкент, -2003. № 39(479). -16 б.
9. Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 73 б.
10. Каримов И .А. Ўзбекистон XXI Асрга интилмоқда - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.-125 б.

11. Коныгин. А.А. Фермерская хозяйства США. - Москва: Агропромизат, 1989. - 78 б.
12. Коныгин. А.А Фермерская хозяйства а развитых странах мира. - Москва: Колос, 1998.-172 б.
13. Каволенка Н.Я. Экономика сельского хозяйства. - Москва: Колос, 1998.-48 б.
14. Махмадиев У.М Дехкон-фермер хўжалигининг иқтисоди ва уни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Ўқитувчи, 1998. -39 б.
15. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. - Тошкент: Янги аср авлоди, -2004. -30 б.
16. Хусанов Р.Х. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Андижон тажрибаси. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. -63 б.
17. Хусанов Р.Х, Қосимов М. Дехкон хўжалигини юрителининг илмий ва амалий асослари. - Тошкент: Чўлпон, 2000, -48 б.
18. Юсупов О, Мирзаев С, Дехкон (фермер) хўжаликларини ташкил этишининг илмий асослари. - Фарғона: 1993. -67 б.
19. Муродов Ч. Аграр ислохот ва қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш. // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 1999. - №7. - Б. 12-15.
20. Фармонов Т.Х. Республикада фермер ва дехкон хўжаликларини ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон аграр иқтисодчи олимлари анжумани. -Тошкент, 2001. -Б. 31-35.
- 4.16. Хушматов Н., Муқимов З.М. Бизнес-режа унинг бажарилиши хўжалик ривожини таъминлайди. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2003.-№ 10.-Б. 3-4.